

**БЮДЖЕТ ТАШКИЛОТЛАРИДА БЮДЖЕТДАН ТАШҚАРИ
МАБЛАҒЛАР БЎЙИЧА МОЛИЯВИЙ АКТИВЛАР ҲИСОБИ
ВА НАЗОРАТИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ**

Суванкулов Алиасқар Раҳмонкулович

“Бюджет ҳисоби ва газначилик иши” кафедраси доценти

Тошкент молия институти

E-mail: Ali@sar.uz.

ORCID:0000-0002-7686-8000

Аннотация

Бозор иқтисодиёти шароитида бюджет ташкилотлари бюджетдан молиялаштирилишларидан ташқари ўзлари қўшимча даромад олиш ҳуқуқларига эгалар. Ушбу қўшимча маблағларнинг бюджет ташкилотларининг бюджетдан ташқари ҳисобларига тўлиқ келиб тушиши ва ушбу маблағлардан фойдаланишда бюджет ташкилотлари ходимларининг манфаатларини ошириш бюджет ташкилотларига бириктирилган мулк ва бюджет ташкилотларининг бошқа имконларидан кенг фойдаланишни рағбатлантиради, иқтисодий ўсишга қўшимча далда беради ва тадбиркорликни янада ривожлантириш имконларини кенгайтиради.

Таянч иборалар: бюджет ташкилоти, молия, маблағ, бюджет тушуми, рағбарлантириш, бюджет бухгалтерияси, бюджет ҳисоби, бюджет ҳисоботи, бюджет назорати.

**ОРГАНИЗАЦИЯ УЧЕТА И КОНТРОЛЯ ФИНАНСОВЫХ АКТИВОВ
ВНЕБЮДЖЕТНЫЕ СРЕДСТВА БЮДЖЕТНЫХ ОРГАНИЗАЦИЙ**

Суванкулов Алиасқар Раҳмонкулович

*доцент кафедры “Бюджетный
учет и казначейское дело”*

Тошкентский финансовый институт

E-mail Ali@sar.uz.

ORCID 0000-0002-7686-8000

Аннотация

В условиях рыночной экономики бюджетные организации вправе получать дополнительный доход помимо финансирования из бюджета. Полный перевод этих дополнительных средств на внебюджетные счета бюджетных организаций и повышение заинтересованности сотрудников бюджетных организаций в использовании этих средств будет стимулировать использование имущества и

других возможностей бюджетных организаций, придаст дополнительный импульс экономическому росту и развитию экономики. расширять предпринимательство.

Основные термины: бюджетная организация, финансы, финансы, доходная часть бюджета, льготы, бюджетный учет, бюджетный учет, бюджетная отчетность, бюджетный контроль.

EXTRA-BUDGETARY FUNDS OF BUDGETARY ORGANIZATIONS
ORGANIZATION OF ACCOUNTING AND CONTROL OF FINANCIAL ASSETS


Suvankulov Aliaskar Rahmonkulovich
Associate Professor of the Department of Budget
accounting and treasury"
Tashkent Financial Institute
E-mail Ali@sar.uz.
ORCID 0000-0002-7686-8000

Annotation: In a market economy, budgetary organizations have the right to receive additional income in addition to funding from the budget. A complete transfer of these additional funds to the off-budget accounts of budgetary organizations and an increase in the interest of employees of budgetary organizations in the use of these funds will stimulate the use of property and other opportunities of budgetary organizations, give an additional impetus to economic growth and economic development. expand entrepreneurship.

Key words: budgetary organization, finance, finance, budget revenues, benefits, budget accounting, budget accounting, budget reporting, budget control

Кириш: Миллий иқтисодиётнинг ривожланиши ва фуқароларни турмуш даражасини ўсишида хусусий сектор билан бир қаторда давлат бюджети ҳам муҳим ўрин тутди. Давлатнинг бюджет тизимида мамлакатда яратилаётган миллий маҳсулотнинг катта қисми жамланиб, у давлатнинг вазифаларини молиялаштириш учун йўналтирилади. КОВИД-19 Пандемияси шароитида жаҳон мамлакатларининг ялпи ички маҳсулоти (ЯИМ)нинг 40 фоизини[13] ташкил этилганлини кўришимиз мумкин.

Ўзбекистон Республикасида давлат бюджети тизими қуйидаги асосий қисмлардан ташкил топади (расм 1).



1-расм. Ўзбекистон Республикаси бюджет тизими бюджетлари

Бюджет ташкилотларининг бюджетдан ташқари жамғармалари бюджет тизимининг таркибий қисми бўлиб мамлакатнинг Бюджет кодексига[1] га асосан унинг таркибига бюджет ташкилотининг ривожланиш жамғармаси, тиббиёт ташкилотининг моддий рағбатлантириш ва ривожлантириш жамғармаси, вазирликлар, давлат кўмиталари ва идораларинг бюджетдан ташқари жамғармалари, бюджет ташкилотларининг ундириладиган тўловлар ҳисобига шакллантириладиган бюджетдан ташқари маблағлари киради.

Бюджет ташкилотларини молиялаштириш Давлат бюджети, Давлатнинг мақсадли жамғармалари бюджетлари ва бюджет ташкилотларининг бюджетдан ташқари жамғармалари ҳисобидан амалга оширилади.

Халқаро ички аудиторлар институти таснифи[12]га асосан бюджет ташкилотлари учта турга бўлинади:

1. Марказий ҳукумат томонидан белгиланган тартибда ташкил этилган ҳудудий бошқарув органлари,
2. Ҳукумат таркибига кирувчи ва давлат хизматларини кўрсатувчи ташкилот ва муассасалардан иборат агентликлар.
3. Ҳукуматдан мустақил фаолият юритадиган, ўзининг даромад манбаларига эга бўлган маҳсулот ишлаб чиқарадиган ва хизматлар кўрсатадиган давлат муассасалари.

Ўзбекистонда миллий қонунчиликки асосан Давлат бюджети ҳисобидан маблағ билан таъминланадиган бюджет ташкилотларини фаолиятининг хусусиятлари ва йўналишларидан келиб чиқиб вазирлик ва идораларнинг таркибий қисми ва ҳудудий бошқарув органларига ҳисобдор бўлган бюджет ташкилотлари асосий қисмини ташкил этади. Жумладан, Халқ таълими вазирлиги тасарруфидаги ташкилотлар 2021 йилнинг 1 январ ҳолатига 10664 тани, мактабгача таълим вазирлигида-6321 та, Олий ва ўрта таълим муассасалари-611 та, соғлиқни сақлаш вазирлигида-1691 тани ташкил этади. [7]

Бу шароитда давлат бюджети харажатларини оптималлаштириш, Пандемия шароитида бюджет маблағлари харажатларини самарадорлигини ошириш

мақсадида бюджет ташкилотларини бюджет ташқари жамғармаларини молиявий активларидан тўғри фойдалананиш муҳим аҳамият касб қилмоқда.

Ўзбекистон Президентга Ш.Мирзиёев таъкидлагандек: “Сўнгги 4 йилда иқтисодиётимизнинг барча жабҳаларига бозор бозор механизмларини жорий этиш борасида жиддий қадамлар ташланди. Эндиги вазифа – чуқур ислохотлар орқали узоқ муддатли барқарор ўсишнинг пойдеворини яратишдан иборат.” [8]

Кейинги йилларда амалга оширилган ислохотлар натижасида бюджет ташкилотларини бюджет ташқари жамғармаларига бюджетдан ташқари маблағлар тушиши хажми ўсиши кузитилмоқда. Агар 2015 йилда ушбу молиявий активларни хажми деярли 679 млрд. сўмни ташкил этган бўлса, 2019 якунида 3,2 трлн. сўмга етган, яъни у деярли 5 баравар ўсиши кузатилиб, унинг Давлат бюджетига нисбатан 2,7 фоизга етган (2015 йилда – 1,7 фоиз).

Бюджет ташкилотларини бюджетдан ташқари маблағлари фаолиятини тартибга солиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 3 сентябрдаги 414-сонли “Бюджет ташкилотларини маблағ билан таъминлаш тартибини такомиллаштириш тўғрисида”ги қарори [3]га мувофиқ бюджет ташкилотлари томонидан фаолият тури бўйича товарлар (ишлар, хизматлар) ишлаб чиқариш ва сотишдан, бюджет ташкилотлари томонидан вақтинча фойдаланилмаётган биноларни ва давлатнинг бошқа мол-мулкани бошқа ташкилотларга ижарага беришдан, юридик ва жисмоний шахслар томонидан бюджет ташкилотларига ҳомийлик (беғараз) ёрдами берилишидан қўшимча даромадларга солиқ имтиёзлари қўлланилади.

Хорижий мамлакатларда ҳам бюджетдан ташқари жамғармалар ташкил этилган. Жумладан, Францияда иккита бюджетдан ташқари жамғармалар мавжуд бўлиб, булар: Тиббий хизматлар жамғармаси ва Ижтимоий таъминот жамғармасидир. 2001 йилгача бюджетдан ташқари жамғармаларнинг бюджетлари парламент назорати остида эмас эди. 2001-йилдаги “Органик бюджет тўғрисида”ги қонуннинг қабул қилиниши билан бюджетдан ташқари жамғармаларнинг бюджетлари парламент томонидан кўриб чиқилиб, тасдиқлана бошлади. Бюджетдан ташқари жамғармалар тақчиллигини молиялаштириш учун давлат бюджети трансфертлари ҳар йили давлат бюджетига тасдиқланади.

Германияда эса жами активлари тахминан 13 миллиард евро ва мажбуриятлари 142 миллиард евро бўлган 16 та миллий бюджетдан ташқари жамғармалар мавжуд, булар:

- Маршал режаси ресурс жамғармаси;
- компенсация жамғармаси;
- "Қора кўмир" компенсация жамғармаси;
- ногиронлар учун иш ўринлари яратиш учун компенсация жамғармаси;
- Кончилар учун уй-жой қурилиши жамғармаси;

- Германия бирлиги жамғармаси;
- "Ғарбий" қўчмас мулк жамғармаси;
- Пенсия захира жамғармаси.

Худудлар миқёсида эса 26 та бюджетдан ташқари жамғармалар мавжуд.

Нидерландияда эса мамлакат иқтисодий тузилмасини такомиллаштириш жамғармаси (НФСЕС) фаолият юритади.

Адабиётлар шарҳи.

Россиялик олим Е.Г. Писарева таъкидлаганидек: “Ижтимоий соҳаларни ижтимоий ҳуқуқларини таъминлаш ва амалга ошириш, бюджет ташкилотлари фаолиятини бюджетдан ташқари қўшимча молиявий қўллаб-қувватлаш манбаларини тақсимлаш ва улардан фойдаланиш бюджет муассасасининг тўлиқ молиявий фаолияти учун жуда муҳимдир.

Бунда давлат муассасасининг бюджетдан ташқари қўшимча молиявий ресурсларни тақсимлаш ва улардан фойдаланишга бўлган ҳуқуқи ташкилотни ўзига бўлган ҳуқуқи сифатида белгиланиши керак ҳаракатлардир.” [9]

Бюджетдан ташқари молиялаштириш манбаларининг амалдаги ҳуқуқий режимини ҳисобга олган ҳолда Н.Н. Бойконинг таъкидлашича, “бюджет муассасалари томонидан кўрсатиладиган пуллик хизматлардан олинadиган даромадлар солиқ ва йиғимлардан сўнг бюджет даромадлари таркибига киради ва бу тушумлар бюджет муассасаларининг қўшимча даромадлари сифатида кўриб чиқилиши, уларга қўйилган вазифаларни самарали бажариш имконини беради.”

Бюджет муассасалари фаолиятини ҳуқуқий тартибга солишнинг ўзига хос хусусиятларини, яъни давлат ҳуқуқи ва хусусан, молия ҳуқуқи нормаларининг кенг тарқалганлигини ҳисобга олган ҳолда, ушбу институтларнинг таърифлари уларнинг фаолиятини молиялаштириш манбалари бюджетдан ташқари манбаларини ҳисобга олган ҳолда шакллантирилиши керак. Бу юридик мақомига эга шахсларнинг концептуал аппаратини шакллантиришда номувофиқ ёндашувларга йўл қўймаслик имконини беради. [10]

Артемов Н.М. [11] “Бюджет муассасаларини бюджетдан ташқари молиялаштириш манбаларини жалб этиш кўп каналли молиялаштириш тамойилини амалга ошириш натижасидир. Ушбу жараён чегараларга эга бўлиши керак: бюджет муассасасининг даромад келтирадиган фаолияти асосий эмас, балки ёрдамчи бўлиб, асосийсига зарар бермаслиги керак. Муассаса мулки эгаси вакиллари томонидан чекловлар ва назорат ўрнатилмаса, уставда назарда тутилган асосий фаолият зарар кўриши мумкин, чунки бунда ходимлар фаолияти ва ресурслар биринчи навбатда даромад келтирадиган фаолиятда қўлланилади.”

Шундай қилиб, бюджет муассасалари томонидан қўшимча (бюджетдан ташқари) маблағларни шакллантиришнинг асосий мақсадини қуйидагича

шакллантириш мумкин: уларнинг асосий вазифалари ва функцияларини самарали амалга оширишни таъминлаш учун бюджетдан ташқари бошқа бюджетдан ташқари маблағларни қонуний усуллар билан жалб қилишдир.

Таъсисчи томонидан бюджет муассасасининг даромад келтирувчи фаолияти устидан назоратни ташкил этиш ва унинг ушбу фаолиятдан суниестемол қилинишини минималлаштириш мақсадида қонун ҳужжатларида бюджет муассасаларига нисбатан қуйидаги чекловлар белгиланган:

– бюджет муассасасига берилган ёки бюджет муассасаси томонидан унга бундай мол-мулкни сотиб олиш учун муассис томонидан ажратилган маблағлар ҳисобидан сотиб олинган қимматли кўчар мулкни ижарага бериш учун таъсисчининг розилиги талаб қилинади;

– бюджет муассасаси розилигисиз унга берилган ёки бюджет муассасаси томонидан мулкдор томонидан бундай мол-мулкни сотиб олиш учун ажратилган маблағлар ҳисобидан сотиб олинган қимматли кўчар мулкни тасарруф этишга ҳақли эмас;

– бюджет муассасаси йирик битимни фақат юқори бюджет ташкилоти розилиги билан тузишга ҳақли;

– бюджет муассасаси, агар миллий қонунларда бошқача тартиб назарда тутилган бўлмаса, кредит ташкилотларидаги депозитларга пул маблағларини жойлаштиришга, шунингдек қимматли қоғозлар билан операцияларни амалга оширишга ҳақли эмас.

Бюджет муассасаларининг даромад келтирувчи фаолиятининг асосий турларидан бири уларга бириктирилган кўчмас мулкни ижарага бериш ҳисобланади. Юқорида таъкидланганидек, кўчмас мулкни ижарага бериш бўйича давлат (шаҳар) муассасалари мулк егаси ва муассаса таъсисчисининг розилигини олишлари керак.

Муҳим жиҳат шундаки, агар миллий қонунларда бошқача қоида назарда тутилган бўлмаса, бюджет муассасалари кредит ташкилотларидаги депозитларга пул маблағларини жойлаштиришга, шунингдек қимматли қоғозлар билан операцияларни амалга оширишга ҳақли эмас.

Маълумки, самарасиз давлат харажатлари биринчи давлатлар пайдо бўлиши билан бир вақтда пайдо бўлган ва давлатларнинг бутун ҳаёти ва ривожланиши давомида мавжуд бўлиб келмоқда. Афсуски, бу муаммонинг давоси йўқ, аммо фан ва амалиёт самарасиз давлат харажатлари миқдорини ва уларнинг салбий таъсирини камайтиришнинг муайян усулларини ишлаб чиқди. Ушбу усуллардан бири бизга хорижий амалиётдан келган самарадорлик бюджети ҳисобланади.

Таҳлил ва натижалар муҳокамаси.

Ҳозирги вақтда бюджет муассасаларининг пуллик хизматлар кўрсатиш ва бошқа фаолият турларидан даромад олишнинг ҳуқуқий режими тартибга

солинади, чунки улар энди тегишли бюджетнинг солиқ бўлмаган даромадлари ҳисобланмайди. Пуллик хизматлар ва бошқа фаолият турларидан олинган даромадларнинг амалдаги ҳуқуқий режими бюджет муассасаларига ушбу даромадларни мустақил тасарруф этиш имконини беради, аммо бу бюджет муассасалари ушбу даромадларга эгалик ҳуқуқини қўлга киритганлигини англамайди. Бюджет муассасалари уларни миллий Федерацияси қонунчилигида белгиланган чекловларни ҳисобга олган ҳолда оператив бошқарув ҳуқуқи асосида тасарруф этишда давом этмоқда.

Бюджет муассасаларининг эндаумент-жамғармаларининг ҳуқуқий режими.

Эндаумент жамғарма жамғармалари хайрия кўриниши бўлиб, давлат манфаати йўлидаги тадбирларни ҳаражат қилиш учун доимий молиялаштириш манбасини яратиш учун фойдаланилади.

Хорижий мамлакатларда "эндаумент"[12] атамаси қўлланилади (**Endowment funds**-инглиз тилидан таржима - совға, хайр-эҳсон, ажратма). Чет эл адабиётида вақфнинг қуйидаги таърифлари мавжуд:

1) даромад манбаи сифатида фойдаланиш учун ташкилотга, жисмоний шахсга ёки бир гуруҳ шахсларга ҳадя қилинган мол-мулк, пул ёки мол-мулк. Эндаументнинг ягона мақсади жамғармани шундай инвестиция қилишдан иборатки, умумий актив қиймати жамғарманинг асосий суммасидан, шу жумладан инфляция компенсациясидан ҳамда келажакдаги инвестициялар ва қўшимча ҳаражатлар учун қўшимча даромадлардан иборат бўлади;

2) ташкилотга махсус мақсадда ҳадя қилинган пул ёки мол-мулк кўринишидаги чексиз совғадир. Жамғарма маблағлари асосий жамғармаларга киритилиши ёки жорий фаолиятда фойдаланиладиган доимий даромад олиш учун инвестиция қилиниши мумкин;

3) ўтказилган совғалар ва васиятномаларнинг умумий миқдори, агар асосий сумма сақланиб қолса ва ташкилот учун даромад манбаи яратиш учун инвестиция қилинган бўлса. Донорлар директордан доимий равишда, маълум бир муддат давомида ёки белгиланган мақсадга еришиш учун зарур активлар тўпланмагунча фойдаланилмаслигини талаб қилишлари мумкин;

4) молиявий эндаумент - ташкилотга асосий қисми сақланиб қолиши учун инвестиция қилиниши учун керак бўладиган пул ёки мол-мулк хайр-эҳсондир;

5) "қонуний эндаумент" давлатда рўйхатдан ўтган ёки жойлашган солиқ тўлашдан озод қилинган нотижорат ташкилотга, солиқдан озод этилган нотижорат ташкилот фойдасига вақфни бошқарадиган банк ёки ишончли компанияга тегишли бўлган доимий, қайтариб бўлмайдиган жамғармадир.

Европа ва Шимолий Американинг ривожланган мамлакатларида. АҚШ ва Канадада эндаумент жамғармалари активларининг ўртача ҳажми 372 миллион долларни ташкил этган бўлса, АҚШ университетларининг энг йирик жамғарма

жамғармаларининг активлари 2010 йил июнь ҳолатига кўра Гарвард университетида 27,6 миллиард долларга, Йель Университетида 16,7 миллиард долларга етган, Стэнфорд университетида эса 15,9 миллиард долларни ташкил этган. Шу билан бирга, Американинг етакчи университетларида жамғарма маблағлари ҳисобидан молиялаштириладиган университет бюджетининг улуши ўртача 30%ни ташкил этиши характерлидир (Гарвард ва Йель университетларида – 38%, Стэнфорд университетида – 23%). Бунинг асосида шундай хулосага келишимиз мумкинки, ривожланган мамлакатларда жамғарма жамғармалари кўшимча молиялаштириш манбаи бўлган нотижорат ташкилотларни қўллаб-қувватлаш ва ривожлантиришнинг самарали воситаси ҳисобланади. [12]

Эндаумент жамғармалари ўзига хос хусусиятларга ва чекланган фаолият доирасига эга. Шундай қилиб, бир томондан, болалар боғчалари, мактаблар, туман касалхоналари каби кичик бюджет муассасалари учун хайрия жамғармалари яратилиши мураккаб. Бошқа томондан, ривожланган мамлакатлар амалиёти бундай маблағларнинг олий ўқув юртлари, йирик маданият ташкилотлари, йирик тадқиқот муассасаларига нисбатан кенг қўлланилишини кўрсатади. Бундан ташқари, санаб ўтилган ташкилотларнинг жамғарма жамғармалари узоқ вақтдан бери фаолият кўрсатмоқда, масалан, Гарвард университетининг жамғарма жамғармаи тахминан 350 йил давомида мавжуд.

Эндаумент жамғармаларининг муҳим хусусиятлари мавжуд: эндаумент жамғармаси ташкил этилган нотижорат ташкилот жамғарма маблағларига нисбатан мулкӣ ҳуқуқларга эга эмас. Жамғармани бошқариш учун жамғарма капиталини бошқариш бўйича ихтисослаштирилган ташкилот тузилади, у нотижорат ташкилот - эндаумент капиталининг эгаси ҳисобланади.

Эндаумент хайрия жамғармалари миллий бюджет ташкилотлари учун янги фаолият тури бўлиб, ижтимоий фойдали мақсадларда ишлайдиган бюджет муассасаларини "ақлли" хайрия шакли сифатида молиялаштириш учун қизиқиш уйғотади деб ҳисоблаймиз.

Хулоса ва таклифлар.

Бюджет ташкилотларининг фаолият хусусиятларидан келиб чиқиб бюджетдан ташқари маблағлар шакллантирилади. Уз навбатида, бюджетдан ташқари маблағлар ҳисобини юритишда ҳам ушбу хусусиятларни инобатга олган ҳолда уларнинг ҳисоби ташкил этилади ва юритилади, бюджетдан ташқари маблағлар харакати тугрисидаги ҳисоботлар шакллантирилади.

Бюджет ташкилотларининг бюджетдан ташқари маблағлари ҳисобини ташкил этиш ва юритиш билан боғлиқ жиҳатлар, кўрсаткичлар, жараёнлар, муносабатлар, ходисалар, ўзига хос бўлган томонлар ўрганилиши натижасида бухгалтерия ҳисоби ва бюджет ҳисоби билан боғлиқ умумийлик мавжудлиги

аниқланди.

Бюджет ташкилотларининг бюджетдан ташқари маблағлари ҳаракати тўғрисидаги ҳисоботларнинг таркиби, уларни тузиш ва тақдим этиш тартибини ўрганиш натижасида ҳисоботлардаги ахборотларнинг фойдаланувчилар учун муҳимлиги ва уларни таҳлил қилиш имкониятлари назарий жиҳатдан муҳим аҳамиятга эга.

Бюджет ташкилотларининг бюджетдан ташқари маблағлари ҳисоби ва ҳисоботи ҳамда назариясини такомиллаштиришга қаратилган тавсияларни келтирамиз.

Ўзбекистонда бюджет муассасаларининг фаолиятини қўшимча молиявий қўллаб-қувватлаш мақсадида жамғарма жамғармаларидан фойдаланиш бўйича хорижий тажрибадан фойдаланиш жуда фойдали бўлади.

Бюджет ташкилотларининг молия йили давомида фойдаланилмай қолган бюджетдан ташқари маблағларини келгуси йил учун сметаларни тузишда қайта тақсимламасдан кейинги молия йилида олдин белгиланган мақсадларда фойдаланиш учун ўтказиш тартибини белгилаш мақсадга мувофиқ. Бу эса ўз навбатида , бюджетдан ташқари маблағларни молия йили давомида даромад ва харажатлар сметаларида назарда тутилган мақсадларда фойдаланишларини таъминлайди деб ҳисоблаймиз.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Ўзбекистон Республикасининг “Бюджет кодекси” 26 декабрь 2013 йил, ЎРҚ 360 – сонли қонуни билан тасдиқланган, [http:// www.lex.uz](http://www.lex.uz);
2. Ўзбекистон Республикаси «Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида»ги қонуни, 2016 йил 13 апрелдаги ЎРҚ- 404 сонли [http:// www.lex.uz](http://www.lex.uz);
3. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 3 сентябрдаги 414-сонли “Бюджет муассасаларини маблағ билан таъминлашни такомиллаштириш тўғрисида”ги Қарори [http:// www.lex.uz](http://www.lex.uz);
4. Ўзбекистон Республикаси бюджет ҳисобининг стандарти (1-сонли) “Ҳисоб сиёсати” Ўз.Р АВ. томонидан 2016 йил 27 декабрда № 2853-сон билан рўйхатдан ўтган [http:// www.lex.uz](http://www.lex.uz);
5. “Бюджет ташкилотларида бухгалтерия ҳисоби тўғрисида”ги Йўриқнома Ўз.Р АВ. томонидан 2010 йил 22 декабрда № 2169-сон билан рўйхатдан ўтган [http:// www.lex.uz](http://www.lex.uz);
6. “Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетидан маблағ билан таъминланадиган ташкилотларнинг даврий молиявий ҳисоботларини тузиш, тасдиқлаш ҳамда тақдим қилиш бўйича қоидалар” Ўз.Р АВ. томонидан 2011 йил 27 сентябрда № 2270-сон билан рўйхатдан ўтган [http:// www.lex.uz](http://www.lex.uz)
7. Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитасининг 2021 йил 18

мартдаги №01/2-01-19-287-сонли маълумотлари.

8. Ўзбекистон Президентга Ш.Мирзиёевнинг Олий Мажлисга мурожаатномасидан, 29.12.2020 йил, [https://president.uz/Халқаро валюта фонди маълумотларига асосан](https://president.uz/Халқаро_валюта_фонди_маълумотлари_га_асосан), www.imf.org/en/.

9. Писарева Е.Г. Правовое положение государственных учреждений в сфере финансов. С. 169.

10. Бойко Н.Н. Финансово-правовое регулирование деятельности бюджетных учреждений : дис. ... канд. юрид. наук. М., 2008. С. 16, С. 103.

11. Артемов Н.М. Правовое регулирование неналоговых доходов бюджетов : учеб. пособие / Н.М. Артемов, Г.Г. Ячменев. М.: Элит, 2008. С. 63.

12. The Institute of Internal Auditors (IIA), <https://global.theiia.org/>.

13. Халқаро валюта фонди маълумотларига асосан, www.imf.org/en/.